

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC. 27.06.2017. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИКРАМОВА МАЛИКА РАХИМБЕРДИЕВНА

**ТЕКИСЛИК ДАРЁЛАРИ ОҚИМ ҲАЖМИНИ БОШҚАРИШ ВА ДАРЁ
ЎЗАНИНИНГ ҚАЙТА ШАКЛЛАНИШИ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (Doctor of Science)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Икрамова Малика Рахимбердиевна

Текислик дарёлари оқим ҳажмини бошқариш ва дарё
ўзанининг қайта шаклланиши..... 3

Икрамова Малика Рахимбердиевна

Регулирование стока и перестроивание русел равнинных
рек..... 29

Ikramova Malika Rakhimberdievna

Regulation of runoff and re-formation of the flat rivers
channels..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
References..... 59

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC. 27.06.2017. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИКРАМОВА МАЛИКА РАХИМБЕРДИЕВНА

**ТЕКИСЛИК ДАРЁЛАРИ ОҚИМ ҲАЖМИНИ БОШҚАРИШ ВА ДАРЁ
ЎЗАНИНИНГ ҚАЙТА ШАКЛЛАНИШИ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иррагация ва сув муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Амин Мухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Эрназар Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Хужаев Исматилла Кушаевич
техника фанлари доктори, профессор

Ризаев Абдумалик Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги **DSC.27.06.2017.T.10.02** рақамли илмий кенгашнинг «_____» _____ 2019 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-22-09; факс: 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2019 йил _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

О.М.Арифжанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда дарёлар оқимини сув омборлари ва йирик сув олиш иншоотлари ёрдамида бошқариш сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, дарё оқими ҳажмини вақт давомида бошқариш, ўзан жараёнлари ва ўзанин ростловчи иншоотлар ёрдамида тўғонсиз сув олиш шароитини яхшиловчи такомиллашган усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан АҚШ, Австралия, Нидерландия, Дания, Австрия, Буюк Британия, Германия, Хитой, Миср, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда сув омборларини лойқа босиши жадаллигини пасайтириш ва қуйи бьефда дарё ўзанининг тиниқ оқим билан ювилишини камайтириш имконини берувчи математик моделлаштириш ва гео-ахборот технологияларига асосланган иш режимини ишлаб чиқиш, сув омбори қуйи бьефида ўзан жараёнларини моделлаштириш, сув олишда ўзан ростловчи иншоотларнинг конструкцияларини такомиллаштириш орқали ўзан деформациясининг олдини олиш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув омборлари эксплуатация режимини рационаллаштириш ва дарё ҳавзасига антропоген босимни камайтириш усуллариининг ишончли ва самарали технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, сув омборлари ёрдамида дарё оқимини, ҳамда ўзан жараёнларини бошқаришни моделлаштириш ва сонли ечим усуллариини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, сув омборларининг лойқа билан тўлиши жараёнини секинлаштириш, уларнинг дарё қуйи бьефидаги ўзан жараёнларига таъсирини юмшатиш, каналларга сув олиш шароитини яхшилаш мақсадида дарё ўзанини дамбалар ёрдамида ростлаш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда республикамызда сув омборларини барпо этиш, ўзан ва қирғоқлар эрозияси, каналларни лойқа босиши ҳолатларининг олдини олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи мавжуд гидравлик ҳисоблашларнинг янги усуллариини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув омборларининг дарё

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони.

сувлилигини ва эксплуатация даврида сиғими ўзгаришини, ростланган оқим таъсирида дарё гидрологик режими ўзгаришининг сув олиш иншоотларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда бошқаришнинг илмий асосланган самарадор усуллари, уларни ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ва усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Фармони, 2018 йил 17 апрелидаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябридаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 27 ноябридаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Ҳозирги вақтда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сув омборлари ёрдамида дарё оқимини бошқариш, ўзан деформацияси ва ўзани ростловчи иншоотларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Шимолий Каролина давлат университети қошидаги Сув ресурслари тадқиқоти институти, Юта давлат университетининг Техник маркази, US Bureau of Reclamation (АҚШ), Вена давлат университетининг География ва регионал тадқиқотлар департаменти (Австрия), Берн университети қошидаги География институти (Швейцария), Вагинген Университети (Голландия), University of Southampton (Буюк Британия), Киота Университети қошидаги Ҳавфнинг олдини олиш илмий-тадқиқот институти (Япония), Илмий тадқиқот учун Швеция миллий фонди (SNSF), Япония сув агентлиги, Ганновер Университети (Германия), Давлат гидрология институти ва Сув муаммолари институти (Россия), Тожикистон Сув муаммолари институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи

<https://www.researchgate.net/publication/>; <http://www.engr.colostate.edu/>; Kantoush S.A., at all. Impacts of sediment replenishment below dams on flow and bed morphology of river. CZMRDLLC – 2010, P.285-303; <https://link.springer.com/article/>; <https://www.usa.gov/federal-agencies/bureau-of-reclamation>; <https://scienceproblems.ru/>; <https://www.springer.com/gp> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

механизациялаш муҳандислари институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтлари (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дарё оқимини бошқариш, дарёдан сув олиш, ўзан деформацияси ва ўзанни ростлашни такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларига доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: дарё оқими ва каналлар мураккаб тизимидаги гидравлик режим ва оқизиклар транспорти моделлаштирилган, морфологик ҳариталар ишлаб чиқилган (DHI Water and Environment, Дания), сув омборининг дарё гидрологик режимининг ўзгаришига таъсирини прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Колорадо университети, АҚШ), сув омборлари ва тўғонлар ҳавфсизлигини таъминлашнинг янги материалларга асосланган технологиялари ишлаб чиқилган (Женева давлат университети), тўғон ва дарё гиротехник иншоотларининг ўзан морфологиясининг шакллантириши моделлаштирилган (Вена университети, Австрия; HULL ва Southampton университети, Буюк Британия; Япония сув агентлиги), дарёлар оқимини рационал бошқариш концепцияси ишлаб чиқилган (Department of Geomatic Engineering, Kwame Nkrumah University of Science & Technology (Гана), икки фазали суюқлик ҳаракатини математик моделлаштириш, дарё оқизиклари фракцияларини ҳисоблаш усуллари, Навье – Стокс тенгламасини сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Келдиш номидаги амалий математика институти, Давлат гидрология институти, РФА Ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш институти, Россия), икки фазали турбулент оқимларни гидравлик моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Украина гидромеханика институти).

Дунёда дарё оқимини бошқариш ва унинг дарё ўзанида юз берадиган жараёнларга таъсири, сув олиш иншоотларининг иш шароити ўзгариши, антропоген босим таъсирини юмшатиш учун ишлаб чиқилган тадбирларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: антропоген таъсир остида геологик вақт бирлиги оралиғида дарё ҳавзасида юз берадиган деформациялар, уларнинг турлари, масшабини аниқлаш усуллари; дарё ўзанининг шароитга мослашуви, унинг кенлиги, чуқурлиги, нишаблиги, оқим энергиясининг ўзгаришини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш; турли гидрологик ва физик-географик шароитлардаги дарёларда эрозия механизми, оқизиклар транспорти ва чўкиши жараёнининг қонуниятларини такомиллаштириш; ҳаракатлантирувчи ва қаршилиқ кўрсатувчи кучлар дисбаланси оқибатида оқимнинг транспорт қилиш қобилияти ва ўзанининг деформацияси ўлчамларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш; икки фазали оқим тезлиги ва ўзан деформациясининг ўзаро боғликлигини ифодаловчи қонуниятлар, ўзан жараёнларининг прогнози ва ўзанининг қайта шаклланишига таъсир этувчи параметрларнинг вақт давомида ўзгаришини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда сув омборларининг таъсир доирасини ўрганиш, уларнинг лойқа билан тўлиши ва юқори бьефда подпор масалалари, сув балансининг ҳисоблари ва сув йўқотиш муаммолари А.Б.Авакян, С.Т.Алтунин, К.М.Беркович, В.Ф.Бреховских, Х.А.Исмагилов, А.В.Караушев, О.А.Каюмов, А.Б.Китаев, Ю.М.Матарзин, Д.А.Никифорова, Я.Ф.Плешков, Ш.Р.Поздняков, Л.В.Потапова, М.Я.Прытков, А.Д.Саваренский, А.Г.Сорокин, С.Х.Таглави, Ю.Н.Шавнина, В.И.Штефан, К.К.Эдельштейн, D.W.Baker, B.P.Bledsoe, C.M.Albano, N.L.Poff, G.Williams, R. Poeppel, S.A.Kantoush, Y.G.Lai, B.N.Eustis, D.S. van Maren, S.Heaven, T.Tanton и D.Rycroft ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. С.Х.Абальянц, Г.Н.Абрамович, С.Т.Алтунин, К.Ф.Артамонов, Н.М.Бернадский, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, Н.Ф.Данелия, Х.А.Исмагилов, Х.А.Ирмухамедов, Н.Е.Кондратьев, В.С.Лапшенков, И.И.Леви, В.М.Лятхер, В.М.Маккавеев ва Р.С.Чалов, А.М.Мухамедов, Б.А.Фидман, Г.И.Шамов ва бошқа олимлар томонидан дарё оқимининг турбулент структураси ва унинг ювилувчан ўзан ва қирғоқлар билан ўзаро муносабати, ўзан жараёнларининг дарё сув ўтказиш қобилиятига таъсири, дарёлар тубидаги ва муаллақ оқизикларнинг шаклланиши ва трансформацияланиш механизмлари, чўкиндиларнинг кўчиб юриши, ўзан жараёнларини гидравлик моделлаштириш усуллари, дарё ўзанларининг гидроиншоотлар билан ўзаро таъсири масалалари ўрганилиб, уларни лойиҳалаштириш ва фойдаланишида ижобий натижаларга эришилган.

Навье – Стокс тенгламалари ёрдамида суюқлик ҳаракатини математик моделлаштириш, уларнинг сонли ечимида итерацион усулларни қўллаш, айирма схемалари ва ечим алгоритмлари В.А.Базилевич, Е.В.Бруяцкий, У.Далабаев, Ю.М.Денисов, К.Ш.Латипов, А.Н.Милитеев, В.М.Пасконов, А.А.Самарский, М.Шаюсупов, И.А.Шеренков, Г.Шлихтинг, В.А.Шлычков ишларида акс эттирилган. А.В.Деги, В.Г.Иванов, В.М.Ковеня ишларида гидродинамиканинг классик масалаларини ечиш имконини берадиган график тезлатгичлар ва кўп процессорли тизимлар сифатида ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали Навье – Стокс тенгламасини сонли ечиш алгоритмлари тақдим этилган. Ўзан жараёнлари, оқим кинематик структураси, ўзанни ростлаш иншоотлари ва оқимнинг планда йўналишини ўзгартириши масалалари Д.Г.Аракелян, М.В.Болгов, В.В.Влацкий, В.Г.Калинина, Е.Курбанбаев, Д.М.Курлович, В.Г.Прокачева, С.В.Пьянков, Л.М.Фалейчик ишларида ўз аксини топган. А.Г.Аверкиев, Т.Ф.Аврова, М.Р.Бакиев, Ф.И.Бондар, И.А.Забабурин, Т.В.Колесникова, Л.К.Малик, М.А.Михалев, Е.В.Орлов, А.С.Офицеров, Е.Д.Хецуриани ва Г.А.Цой ишларида сув олиш ва ўзанни ростлаш иншоотлари конструкциялари, уларни гидравлик ҳисоблаш усуллари, уларнинг дарё оқими ҳаракатига таъсирини тадқиқ этиш натижалари тақдим этилган.

Ҳозирги вақтда республикада сув омборлари иш режимини такомиллаштириш ва бошқарилаётган оқимнинг тўғонсиз сув олиш ва ўзан жараёнларига таъсирининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, дарё ўзанини

ростлаш ҳисоблари ва бунда замонавий янги информацион технологиялар асосида сонли ҳисоблаш усуллари қўллаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу сабабли сув омборларининг такомиллашган иш режимини ишлаб чиқиш ва ушбу режим таъсири остидаги тўғонсиз сув олиш шароитини яхшилаш, ўзани ростлаш иншоотларининг мукамал конструкцияларини яратиш ва ўзан деформациясини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг 05/96 сон “Ўзан жараёнини ўрганиш асосида Амударёнинг қуйи оқимидаги ирригация каналларига сув олишни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” (1996), 01/96-98 сон “Амударёда Туямуюн гидроузели (ТМГУ) Ўзан сув омборини лойқа босишини баҳолаш учун тадқиқотлар комплекси” (1996-1998), 03/02 сон “Тиниқ оқим таъсири зонасида Амударё этагидаги ўзан ҳолати” (2002), 04/02 сон “Султансанжар сув олиш иншоотининг сув келтирувчи, сув ташловчи ва тиниқ сув каналлари ҳолатини баҳолаш” (2003), 05/02 сон “Капарас сув омбори сув олувчи иншоотининг сув кирадиган ва чиқадиган участкалари ҳолатини баҳолаш” (2004), 6.1/2005 сон “ТМГУ сув омборларининг лойқа билан тўлиш жараёнининг мониторинги ва таҳлили асосида улардан фойдаланишни такомиллаштириш” (2006), КХА-7-083-II сон “Дарёнинг қуйи оқими учун салбий оқибатларни пасайтиришни таъминловчи сув омборлари иш режимини такомиллаштириш: Амударё ва Туямуюн гидроузели мисолида” (2009-2011) ва КХА-7-087-2015 сон “Юқори антропоген таъсирлар шароитида ўзан жараёнларини моделлаштириш: Амударёнинг Туямуюн гидроузелидан қуйи оқими мисолида” (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади текислик дарёларидаги сув омборлари иш режимини такомиллаштириш, дарёдан ирригация каналларига тўғонсиз сув олиш шароитини яхшиловчи ўзан ростловчи иншоотларнинг янги рационал конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни гидравлик ҳисоблаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сув омборлари иш режимининг гидравлик модели ва ҳисоблаш дастурини йилнинг сувлилик даражаси ва сув омбори сифимининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

ўзан сув омбори косасининг лойқа босишини ҳисоблаш усулини сув омбори сатҳининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда сув омборидаги сув балансини буғланиш, фильтрация ва лойқа босишини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

сув омбори қуйи оқимида дарё ўзанини қайта шаклланиши жараёнида икки фазали оқим гидравликасини ҳисоблаш усуллари Навье-Стокс

тенгламасини уюрма ва оқим функцияси кўринишига келтириш асосида такомиллаштириш;

дарёдан сув олишни бошқарадиган иншоотлар ва улар компановкасининг оқим кинематикаси ва пландаги ўлчамларига, ўзан деформацияси ва сув олиш коэффициентига таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш усуллариини такомиллаштириш;

сув омбори таъсир зонасида дарёдан ирригация каналларига тўғонсиз сув олишда каналга оқизиклар киришини камайитириш ва сув олиш коэффициентини кўтаришга олиб келувчи конструктив элементлар қўшиш асосида ўзанинн ростлаш иншоотларининг рационал конструкцияларини ишлаб чиқиш;

сув омбори косаси ва тўғонсиз сув олиш амалга оширилаётган зоналарда дарё ўзани морфологик характеристикаларини ARCHGIS дастурини қўллаш асосда ГАТ моделини 3D форматда ишлаб чиқиш;

сув омборлари иш режимини такомиллаштириш ва ўзанинн ростлаш иншоотларининг самарадор конструкциялари ва усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектлари сифатида Амударёдаги Ўзан, Капарас, Султонсанжар, Қўшбулоқ сув омборлари, Тошсака, Карамазисака, Байрамсака, Дарёликарна, Қиличниеъзбой ва Пахтаарна каналларига сув олиш иншоотлари, шунингдек, ўзанинн ростловчи иншоотлар олинган.

Тадқиқот предмети сув омборлари, дарёдаги тўғонсиз сув олиш иншоотлари ва ўзанинн ростловчи иншоотлар зонасидаги ўзан жараёнлари, сув омборларининг иш режими ва уларнинг лойқа босиши, ўзанинн ростлаган ҳолда сув олишдаги оқим кинематикаси ва унинг планда ўзгариши ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида экспериментал ва далак-кузатувининг умумий қабул қилинган усуллари, математик ва гидравлик моделлаштириш ва уларни сонли ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув омборлари мажмуаси иш режимининг гидравлик модели ва ҳисоблаш дастури йилнинг сувлилик даражаси, оқизик ва чўкиндила-р ҳаракати ҳамда сув омбори сифими ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

сув омборининг лойқа босишини ва ундаги сув балансини ҳисоблаш усули сув сатҳининг ўзгариши ва сув йўқотишларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

ростланган дарё ўзанидан тўғонсиз сув олишда икки фазали турбулент оқим ҳаракатининг гидравлик модели ва ҳисоблаш усули Навье-Стокс тенгламасини уюрма ва оқим функцияси орқали ифодалаш асосида такомиллаштирилган;

дарё оқимининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари зонасидаги оқим режасини қуриш, кинематик характеристикалари ва ўзан деформациясини

ҳисоблаш усуллари ўзан ростловчи иншоотларнинг оқим йўналишига ва оқизикларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

дарёдан тўғонсиз сув олишда оқимни ирригация каналларига йўналтирувчи сув олиш иншоотининг рационал конструкцияси оқизикларнинг каналга киришини камайтириш ва сув сатҳи команда горизонтини кўтаришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

сув омбори туби ва дарё ўзанининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари зонасидаги морфологик характеристикаларини аниқлаш учун 3D форматда геоинформацион моделлаштириш усули ГАТ технологиялар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзан сув омборларининг такомиллаштирилган режими йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг лойқа билан тўлишини секинлаштириш ва минималлаштиришга қаратилган сув омборлари мажмуасидан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилган;

сув сатҳининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда сув омборларининг лойқа босишини ҳисоблаш усули такомиллаштирилиб, сув балансини ҳисоблаш компьютер дастури ишлаб чиқилган;

ўзани ростловчи иншоотларнинг ҳимоя ишлари ҳажмини аниқлаш учун, ушбу иншоотлар таъсири доирасида оқимнинг кинематик характеристикаларини аниқлаш ва иншоот бош қисмида ўзанининг ювилиш чуқурлигини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

дарё ўзанини ростлаган ҳолда тўғонсиз сув олишда ўзан ростловчи иншоотлар конструктив элементларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилиб, ирригация каналларига тўғонсиз сув олишда оқизикларни дарёга йўналтирувчи ва сув оқимини каналга йўналтирувчи иншоотларнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

дарё қуйи оқимида жойлашган барча сув олиш объектларини киритган ҳолда, сув балансини электрон ҳисоблаш дастури ва сув объектлари кадастри маълумотлар базасини яратиш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган.

сув омборлари ва тўғонсиз сув олиш жойида дарё ўзани морфологиясини 3D форматда геоинформацион моделлаштириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган физик қонунлар ва синовдан ўтган математик усулларга асосланган, олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал ва амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилган, ҳамда бошқа олимлар томонидан олинган маълумотлар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидравлик модел ва ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш асосида сув омборларининг иш режимини йилнинг сувлилик даражаси ва лойқа босишини минималлаштиришни инобатга олган ҳолда

такомиллаштириш, ўзгарувчан сув сатҳи шароитида лойқа босишини ҳисоблаш, икки фазали оқим ҳаракатининг “оқим функцияси ва уярма” моделини қўллаб назарий асослаш ва ростланган ўзандан тўғонсиз сув олишда оқим кинематик майдонини ҳисоблаш, бунда оқим бўлиниши моделининг сонли ечимини ишлаб чиқиш, моделни ечиш алгоритми ва ҳисоблаш усуллари тақомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув омборларининг тақомиллашган иш режимини ишлаб чиқиш ва лойқа босиши жараёнини секинлаштириш, сув омборларининг фойдали ҳажмини, тўғонсиз сув олиш зонасида ўзан деформацияси кўлами ва ҳажмини тезкор аниқлаш, суғориш каналларига сув олиш шароитларини яхшилаш учун ўзанни ростловчи иншоотларнинг конструктив элементлари ўлчамларини белгилаш орқали сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув омборлари иш режимини тақомиллаштириш ва дарёдан тўғонсиз сув олишда ўзан ростлашнинг ҳисоблаш усуллари тақомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ростланган ўзанидан тўғонсиз сув олишда оқим ҳаракатланиш тенгламасининг сонли ечими алгоритми ва ҳисоблаш усули, ўзан деформацияси ва маҳаллий ювилиш чуқурлиги, ўзан деформациясининг пландаги ўлчамларини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Амударё ҳавза сув хўжалиги бирлашмаси томонидан Амударё қуёи оқимида жойлашган тўғонсиз сув олиш иншоотлари учун жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 ноябридаги 01/18-2159-сон маълумотномаси). Натижада суғориш каналларига сув олишда оқимни йўналтирувчи иншоотлар ёрдамида сув сатҳини кўтариш орқали олинаётган сув миқдорини 6-8 фоизгача кўпайтириш имкони яратилган;

сув омборларининг тақомиллашган иш режими Ўзан сув омборини лойқа босишини ва гидроузел қуёи бўефида тўғон олди участкасида дарё профилининг ўзгаришини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Туямуюн гидроузели эксплуатацияси бошқармаси томонидан Туямуюн сув омборлари учун жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 ноябридаги 01/18-2159-сон маълумотномаси). Натижада тақомиллашган иш режими сув кам йилларда сув билан таъминланганликни 2-2,3 км³ (36%)га, ўртача сувлиликда 0,5-0,67 км³ (5-6%)га кўтариш, сув кўп йилларда сув омборидан 200-280 млн. м³ лойқа ювилиши ҳамда 250-310 млн. м³ оқизиклар транзит бўлиши имкони яратилган;

ирригация тизимининг ГАТ маълумотлар базаси ва оператив қарор қабул қилишни қўлловчи компьютер дастури Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуёи Амударё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Қизкеткен-Кегейли ирригация тизимлари бошқармаси томонидан жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 ноябридаги 01/18-2159-сон маълумотномаси). Натижада ирригация тизимининг эксплуатацион

самарадорлигини ошириш ҳисобига сув йўқотишлар ҳажмини 10-15 фоизгача камайтириш имкони яратилган;

сув омборлари ва сув олиш иншоотлари ҳудудида ўзан морфологиясининг 3D форматдаги ГАТ моделлари, дарё участкалари бўйича сув балансини ҳисоблаш учун компьютер дастури, ГАТ моделлари асосида маълумотлар базаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Амударё чап қирғоқ Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Амударёнинг Туямуюн-Кипчоқ участкасидаги сув олиш иншоотлари учун жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 ноябридаги 01/18-2159-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларини тўғри тақсимлаш, баланс участкалар доирасида сув билан таъминланганлик даражасини аниқлаш, сув таҳчиллигида сувни тезкор қайта тақсимлаш, ҳамда сув йўқотишларни камайтириш эвазига 320-400 млн. м³ сувни тежаш, 35-47 минг га майдоннинг сув таъминотини яхшилаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги 40 та анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 18 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 4 та мақола республика ва 7 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Оқим ҳажмини бошқариш ва дарё ўзанининг юқори ва пастки бьефларида қайта шаклланишига оид тадқиқотларнинг тавсифи”** деб номланган биринчи бобида мавжуд

тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Сув омборларининг дарё гидрологик режимига таъсири ва бунда рўй берадиган ўзан жараёнлари Авакян А.Б., Алтунин С.Т., Беркович К.М., Бреховских В.Ф., Караушев А.В., Матарзин Ю.М., Поздняков Ш.Р., Потапов Л.В., Саваренский А.Д., Таглави С.Х., Штефан В.И., Эдельштейн К.К., Скрыльников В.А. каби кўплаб миллий ва чет эл олимлари томонидан ўрганилган. Сув омборларининг лойқа босишини ҳисоблашда уларнинг ўзига ҳослигини ҳисобга олувчи қатор усуллар ишлаб чиқилган. *Биринчи гуруҳ усуллари* амалда ўтказилган тадқиқотларга асослангани учун бунда баъзи кўрсаткичлар тахминий олинган бўлиб, дастлабки ҳисоблар учун қўлланилади. *Иккинчи гуруҳ усуллари* сув омборларидаги лойқаланиш ҳажмини аниқлашда ундаги оқимлар транспорт қилиш қобилиятининг ҳисобий створлардаги фарқига асосланган. Ушбу усулнинг камчилиги шундаки, ҳисобий вақт интервалида оқим характеристикалари ва лойқаланиш жадаллиги ўзгармас қабул қилинади. *Учинчи гуруҳ усулларида* лойқаланиш ҳажми ўзан ва оқим характеристикаларининг тўхтовсиз ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Улар баланс усули деб аталади ва лойқа босиш жараёнида оқим транспорт қилиш қобилиятининг ўзгариши ҳисобга олинади.

Оқим ҳажмини бошқариш назариясининг ривожланишида С.Х.Абальянц, Г.Н.Абрамович, С.Т.Алтунин, К.Ф.Артамонов, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, Н.Ф.Данелия, Н.Е.Кондратьев, В.С.Лапшенков, И.И.Леви, В.М.Лятхер каби кўплаб олимларнинг ишлари муҳим роль ўйнади. Н.М.Бернадский, В.М.Маккавеев, Р.С.Чалов ва Г.И.Шамовларнинг изланишлари ўзан деформацияси ва дарёдан сув олишда оқимнинг бўлиниши масалаларига бағишланган бўлиб, улар ўзгарувчан массали оқимлар гидравликаси бўлимининг яратилишида муҳим асос бўлдилар. Бу хусусда Т.Г.Войнич-Сяноженский, Б.И.Емцев, Б.А.Фидман, И.А.Шеренков ишланмалари орқали муваффақиятга эришилган. Бунда ёпишқоқ ва сиқилмайдиган суюқлик ҳаракати динамикаси масалалари ечими берилган бўлиб, Навье-Стокс тенгламалари ва уларни ечиш хусусиятларидан бошлаб турбулентликнинг статик назариясигача бўлган оқим динамикаси таҳлилининг асосий усуллари келтирилган. $Re > 1000$ ҳолатида ёпишқоқ суюқлик тенгламаларини ечишнинг сонли усуллари ишлаб чиқиш мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиёда гидротехника фани ютуқлари, ҳамда С.Т.Алтунин, А.М.Мухамедов, К.Ш.Латыпов, М.Р.Бакиев, Х.А.Ирмухамедов, Х.А.Исмагилов, О.А.Каюмов, ва бошқа олимлар меҳнати натижалари асосида дарёдан сув олишда ўзан ростловчи иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган. Бунда дарё ўзанининг шаклланиши, оқим йўналишининг ўзгариши усуллари ўзанни ростлаш ва дарёдан сув олиш муаммоларининг янгича ечимларини берди.

Юқорида келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, сув омборлари иш режимини назарий асослаш, ўзанни ростлаган ҳолда дарёдан сув олиш гидравликаси, ушбу иншоотларнинг оқим кинематикаси ва пландаги

ўлчамларига таъсири ва бошқа масалалар яна тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Сув омборлари, сув олиш иншоотлари ва ўзан ростловчи иншоотларнинг ўзаро таъсири, бунда содир бўладиган ўзан жараёнлари ва уларни замонавий информацион технологиялар ёрдамида ҳисоблаш масалалари мажмуа ҳолида етарли ёритилмаган.

Диссертациянинг “Оқим ҳаракатининг сув омбори соҳаси ва унинг пастки бьефида узок масофага таъсирининг назарий тадқиқотлари” деб номланган иккинчи боби сув омборлари иш режимини ва тўғонсиз сув олиш зонасида дарё ўзанидаги икки фазали оқим ҳаракатини моделлаштиришга бағишланган.

Сув омбори иш режимини моделлаштиришда дастлабки маълумотлар сифатида: i – ҳисобий ойлар, Q_i – дарё оқими, Q_i^L – белгиланган сув бериш лимити қабул қилинган. Сув омборининг ∇ НДС даги тўла ҳажми лойқаланиш модели асосида қабул қилинган. Энг пастги отметкадаги сув омборининг ҳажми $W_{\min}=f(\nabla_{\min})$ боғланиш асосида аниқланади. Ҳисоблашда дефицитни қоплаш учун сув захирасининг йиғинди ҳажми, дарё оқимининг ҳисобий даврга мўлжалланган лимитдан ортиқ қисми, ой бошидаги сув сатҳи ва сув омборидан бўладиган сув йўқотин ҳисобга олинади. Бунда кўрилатган ойда фойдаланиш учун берилаётган сув ҳажми қуйидагига тенг:

$$W_{i\phi}^B = D^B (W_i^D - W_{i\phi}^P) + W_i^B \quad (1)$$

Бу ерда D^B – сув омборидаги захиранинг улуши; W_i^D – дефицитни қоплаш ҳажми; $W_{i\phi}^P$ – сув омборида ўртача ойлик ҳажм. Сув омборини тўлдириш ва ташлама сув ҳажмини аниқлашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$W_{\text{бош } i}^P = W_{\nabla cc}^P + W_{\mu(i+1)}^P \quad (2)$$


$$\sum W_{i\text{таш}} = W_{i\text{дарё}} + \sum W_{i\phi} - \sum W_{i\text{тўл}} \quad (3)$$

Бу ерда $W_{i\text{тўл}}$ – сув омборини тўлдиришга кетган сув; $W_{i\text{таш}}$ – пастки бьефга ташланаётган сув ҳажми. Туяму юн гидроузели сув омборларининг сув кам, ўртача сувлилик ва кўп сувлик йиллар учун лойқаланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ишлаш режимини кўп йиллик ўртача маълумотлар асосида ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган бўлиб, натижалари ҳақиқий иш режими билан таққосланган ҳолда 1-расмда келтирилган.

Таклиф қилинаётган сув омборининг моделлари шундай режим танлаш имконини берадики, бунда сув омборидан сув йўқотиш камаяди, сувга талабни қондиради, катта сув оқимини кесади, пастки бьефга ташланадиган сув сарфининг 4000 м³/с дан ошмаслигини ва Амударё қуйи оқимида тошқин ҳавфидан бўладиган зарарнинг олдини олади.

Лойқа босишини ҳисоблашда оқимнинг тиниқлик даражаси ва оқим майда муаллақ заррачалари транспортини амалга ошира оладиган ўзи шаклланувчи ўзан (СР) ҳажми W_p ҳисобга олинади. СР ўзан кўндаланг кесими юзасини димланиш бўлаётган участка узунлигига кўпайтириш орқали аниқланади. Димланиш йўқ бўлса, сув омборининг ҳисобий ҳажми СР ҳажмига тенг, яъни $W_{\text{хис}} = W_p$. Шундай қилиб, $W_p/W_{\text{хис}}=1$ бўлганда, оқимнинг

тиниқлик даражаси $\varepsilon = 0$ га тенг. $W_{\text{хис}} > W_p$ ва $W_p/W_{\text{хис}} < 1$ бўлган ҳолатларда эса оқимнинг тиниқлиги $\varepsilon > 0$, яъни оқимнинг тиниқлик коэффиценти ўзан ва сув омбори ҳажмлари ўзаро нисбатининг функциясидир.



1-расм. Туямуён гидроузели сув омборларининг иш режими:
— хисобий режим, — — — амалдаги иш режими

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, оқимнинг тиниқлик даражаси икки босқичга бўлинади: биринчи босқичда ε ўзгармас ва амалда $\varepsilon=1$ га тенг; иккинчи босқичда $\frac{W_p}{W_{\text{хис}}}$ нисбатнинг ўсиб бориши давомида тиниқлик коэффиценти $0 \geq \varepsilon \leq 1$ ораликда ўзгариб боради. Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш мезони $\frac{W_p}{W_{\text{хис}}} = 0,1$ га тенг. Ушбу мезонга биноан, агар сув омбори сифими $W_{\text{хис}} = 8.33W_p$ шартни қониқтирса, уни лойқа босиши жараёни иккинчи босқич билан чегараланади. Сув омбори сатҳининг ўзгариб туриши характерли бўлгани учун лойқани ҳисоблашда сув омборининг тўлаётгани ёки бўшатилаётганидаги сатҳига мос параметрларини эътиборга олишга тўғри келади. Сув омборини лойқа босиши ҳажми ва муддатини прогноз қилинаётганда, ҳамда контрол ҳисоблар бажарилаётганда сув омбори ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$W_{\text{хис(н)}} = \frac{W_{\text{п}} W_{\text{пн}} (H_{\text{нн}} - H_{\text{с}})}{W_{\text{п}} (H_{\text{ндс}} - H_{\text{с}})} \quad (4)$$

ушбу ҳолатда оқимнинг тиниқлик коэффиценти қуйидагига тенг:

$$\varepsilon = 0,041 \left(\frac{W_{\text{п(н)}} (H_{\text{ндс}} - H_{\text{с}})}{W_{\text{п}} (H_{\text{нн}} - H_{\text{с}})} \right)^{-1,5} \quad (5)$$

бу ерда $W_{\text{п}}$ – НДС отметкада сув омборининг фойдали ҳажми, млн.м³; $H_{\text{нн}}$ – сув омборининг ҳисобий сатҳи (бошланғич); $H_{\text{с}}$ – ҳажм ўзан сифимига тенг бўлгандаги сатҳ отметкаси. Қўшма отметкалар $H_{\text{с}}$ ўзан ва сув омбори

графикларининг кесишган нуқтасига тенг (2-расм). Ҳисоблашда қўшма отметкалар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$H_{c.k(i)} = H_{c.k(i-1)} + \Delta h_{чўк} \quad (6)$$

$$H_{c.k(i)} = H_{c.k(i-1)} + \Delta h_{юв} \quad (7)$$

бу ерда, $\Delta h_o, \Delta h_p$ – чўкиш ва ювилиш қатламларининг ўртача қалинлиги:

$$\Delta h_{чўк} = \frac{1}{3} \cdot \frac{\Delta W_{чўк} i}{B_p (H_{c.k(i-1)} + H_{пор})} \quad (8)$$

$$\Delta h_{юв} = \frac{\Delta W_{юв} i}{B_p (H_{c.k(i-1)} + H_{пор})} \quad (9)$$

бу ерда i – ўзан нишаблиги, B_p – турғун ўзан кенглиги, м; $\Delta W_{чўк}, \Delta W_{юв}$ – ҳисобий даврда чўкиндилар ва ювилишлар ҳажми. Сув омборини ишлатишда сув сатҳи ўзгариши ҳисобига лойқа босишга таъсир кўрсатувчи шартлар ҳам ўзгаради.

$\frac{W_{p(n)}}{W_{хис(n)}} \leq 0,12$ нисбатда оқизиклар

чўқади. 0,12-1,0 ораликда турли жадалликда лойқа босиши кузатилади. Ҳажмлар нисбати 1,0 га тенг бўлганда муаллақ заррачалар транспорти юз бериб, 1,0 дан ошганда чўкиндиларнинг қуйи бьефга ювилиши кузатилади. Сув омборининг турли иш режимлари учун қуйидаги ҳисоблаш тартиби келтирилган:

1-босқич. Агар сатҳнинг ўзгариши НДС дан H_c гача бўлган диапазонда ўзгарса, сув омборини лойқа босиши жараёни кузатилади. Бунда сув омборининг бўшатилиши ва тўлдирилиши жараёнида оқизиклар чўкиши ҳажми қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\Delta W_{чўк} = 1,2 \rho_{вх} W_{пр} \left(1 - \frac{W_{бош}}{W_{ох}} \right) (1 - \varepsilon) \quad (10)$$

бу ерди $\rho_{вх}$ – сув омборига кираётган оқим лойқалиги, кг/м³; $W_{пр}$ – келаётган сув ҳажми, млн.м³; $W_{бош}, W_{ох}$ – бошланғич ва охириги ҳажмлар, млн.м³; $W_{пр}$ – сув омборидан сув чиқарилаётгандаги дарё оқими ҳажми.

2- босқич. Бунда ҳисобий сатҳлар ва отметкалар нисбатининг учта варианты кўрилади:


А) Қачонки $H_{ну} > H_c$ ва $H_{ку} < H_c$ қўшма отметкагача бўлганда оқизиклар чўкиши жараёни кузатилади ва уларнинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{чўк} = 1,2 \rho_{вх} W_{пр} \varepsilon A \quad (11)$$

$$\text{Бу ерда } A = \frac{H_{ну} - H_c}{H_{ну} - H_{ку}}$$

Сув омборида сув сатҳининг отметкаси қўшма отметкадан пастда бўлганда ювилган чўкиндилар пастки бьефга оқади ва уларнинг ҳажми ушбу формула билан аниқланади:

$$\Delta W_{юв} = 1,2 \rho_{юк} [W_{пр} (1 - A) + (W_c - W_{ох})] \quad (12)$$



2- расм. Қўшма
отметкани аниқлаш

бу ерда, $W_{\text{пр}}$ – сатҳлар $H_{\text{НУ}}$ дан H_c гача ўзгаради; $\rho_{\text{доп}}$ – оқимга туб чўкиндиларнинг ювилиши ҳисобига бўладиган юклама, кг/м³. Уни аниқлаш формуласи:

$$\rho_{\text{юк}} = \frac{B_p^1 \mu (H \sum \text{чўк} - H_{\text{КУ}})}{1,2iQ_p^1} \quad (13)$$

бу ерда μ – чўкиндининг ювилиш жадаллиги, мм/сек; $H \sum \text{чўк}$ – чўкиндилар отеткаси, лойихавий ҳажмлар графигига асосан белгиланади; Q_p^1 – ўртача ойлик сув келиши, м³/с; $B_p^1 - Q_p^1$ га мос бўлган ўзан кенглиги, м.

Б) Қачонки $H_{\text{НУ}} < H_c > H_{\text{КУ}}$ бўлганда ювилаётган туб чўкиндилар оқим билан пастки бьефга чиқарилади ва ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{юв}} = 1,2\rho_{\text{вх}} W_p^1 \quad (14)$$

Бу ерда $W_p^1 = Q_p^1 \cdot \frac{H_c - H_{\text{КУ}}}{\mu}$. Агар $W_p^1 > W_{\text{пр}}$ бўлса, ҳисоб учун $W_{\text{пр}}$ қабул қилинади. Ўзан кенглиги ушбу формулага билан аниқланади:

$$B_p^1 = \frac{Q_p^1}{V_p H_p} \quad (15)$$

Бу ерда, $V_p - 1,0 \div 1,2$ м/с; H_p – турғун ўзан чуқурлиги, м.

В) $H_{\text{НУ}} < H_c$ ва $H_{\text{КУ}} > H_c$ шартда сув омбори тўлдирилиши жараёни юз беради. Бу ҳолда ювилиш ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{юв}} = 1,2\rho_{\text{юк}} [W_{\text{пр}}(1 - A) + (W_{\text{бош}} - W_c)] \quad (16)$$

Сув омборида сув сатҳининг қўшма отеткадан охирги ҳисобий отеткагача кўтарилишида чўкиндилар ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{чўк}} = 1,2\rho_{\text{вх}} W_{\text{пр}} \left[(1 - A) - \left(1 - \frac{AW_c}{W_{\text{ок}}} \right) (1 - \varepsilon) \right] \quad (17)$$

Шундай қилиб, сув омборини лойқа босиши ҳажмини ҳисобланганда, унда ҳисобий давргача бўлган чўкинди ҳажми ва йилнинг сувлилик даражасини эътиборга олинади.

Дарё ўзанидаги оқим ҳаракати узлуксиз муҳит механикаси моделларига, хусусан Навье-Стокс тенгламаларига асосланади. Бир жинсли сиқилмайдиган ёпишқоқ суюқлик учун тенгламалар системаси қуйидаги шаклга эга:

$$\frac{\partial V}{\partial t} + (V \nabla) V = -\frac{1}{\rho} \text{grad} P + \nu \Delta V + F n \quad (18)$$

$$\text{div} V = 0$$

бу ерда V – тезлик вектори; F – куч функцияси; P – босим; n – бирлик вектори; t – вақт; $\nu = \mu / \rho$ – кинематик ёпишқоқлик коэффиценти. Ясси масала учун $U_z = 0$. (18) тенгламани **ox** ни у ўқларига ва **oy** ни x ўқига нисбатан дифференциаллаб, босимни чиқариб ташлаб, уюрмани $\omega = \frac{\partial u_y}{\partial x} - \frac{\partial u_x}{\partial y}$ кўринишда ифодалаб, оқим функциясини $ux = \frac{\partial \psi}{\partial y}$ ва $uy = -\frac{\partial \psi}{\partial x}$ кўринишда киритиб, қуйидагига эга бўлинади:


$$\frac{\partial \omega}{\partial t} + u_x \frac{\partial \omega}{\partial x} - u_y \frac{\partial \omega}{\partial y} = \nu \nabla^2 \omega \quad (19)$$

Узлуксизлик тенгламаси $\nabla^2 \psi = -\omega$ га биноан юқоридаги тенгламалар ω ва ψ ни аниқлаш учун берк тизимни ташкил қилади. Ҳосилани чекли-айирма

шаклда ёзиш учун оқим соҳаси координата йўналишлари бўйича Δx ва Δy ўлчамли сеткага билан қопланади (3-расм). Конкрет физик вазиятга мос келадиган қуйидаги чегаравий шартларни қабул қиламиз: сув ўтказмайдиган қаттиқ юза - қирғоқлар учун “ёпишқоқлик” шартини қўллаймиз: $u=0$; $V=0$; $\psi_{i0}=0$; $\psi_{jN}=1.0$, бу ерда $i=0, 1, \dots, M$; $j=0, 1, N$ – сеткадаги нуқталар тартиб рақами. Кириш ва чиқишда бўйлама тезликлар шarti ва оқим функцияси параболик қонуният билан акс эттирилади: $u=6y(1-y)$; $V=0$; $\psi=y^2$ (3-2у). Сув олиш иншоотига киришдаги шартлар:

$$u=0; V = \frac{Q_B}{l_{KL}}; \psi = 1 - Q_B \frac{x_i - x_{M1}}{x_{M2} - x_{M1}} \quad (20)$$

бу ерда, m_1 ва m_2 – канал створининг боши ва охиридаги нуқталарнинг тартиб рақами.



3-расм. Дарёдан сув олишда ўзанини ростловчи иншоотлар таъсиридаги оқимнинг тезлик майдонини ҳисоблаш схемаси

Уюрма учун чегаравий шартлар берилмаганлиги сабабли, уларни оқим функцияси тенгламасидан чегарагача адолатли деб қабул қилинади, релаксация амалга оширилади ва уюрма қиймати ушбу кўринишда тақдим этилади:

$$\omega_r^{n+1} = \alpha f(\psi^{n+1}) + (1-\alpha)\omega_r^n \quad (21)$$

бу ерда α - релаксация параметри бўлиб, $0 \leq \alpha \leq 1$ ораликда ўзгаради;

$f(\psi^{n+1})$ – чегарадаги уюрма, $\omega^{n+1} = \frac{2\psi_i^n}{h^2}$ кўринишдаги оқим функцияси тенгламаси боғланиши, $\omega_0 = \frac{\partial^2 \psi}{\partial y^2}$ тенгламани $y = \text{const}$ ҳолатида апроксимация қилиш орқали олинади.

Кўрилатган участка учун чегаравий шартлар икки кўринишга эга бўлади: тезлик ва оқим функцияси учун стационар, ҳамда уюрма учун – стационар бўлмаган. Тезликлар майдонини ҳисоблаш ва оқим планини қуриш учун чегаравий шартлар дарё, канал ва иншоотлар учун айрим ҳолда шакллантирилган. Уюрма тенгламасини ечиш учун ўзгарувчан йўналишлар усули қўлланган, ва тенглама қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\partial \omega}{\partial t} = (L_1 + L_2)\omega + F \quad (22)$$

бу ерда, L_1, L_2 – турли йўналишларда ҳаракатланувчи бир хил ўлчовли операторлар.

Тенгламани ечиш икки босқичда амалга оширилади: 1-босқичда йўналишлардан бири бўйлаб прогонка қилинади ва ярим бутун вақт қатламида ечим топилади, сўнгра 2- йўналиш бўйлаб бутун қатлам учун прогонка амалга оширилади ва ω^{n+1} нинг ечимини Самарский операторидан фойдаланиб аниқланади. Тенглама қуйидаги кўринишга келтирилади:

$$-\alpha_i \omega_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} + \beta_i \omega_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \gamma_i \omega_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} = f_i \quad (23)$$

$$-\alpha_j \omega_{i,j-1}^{n+1} + \beta_j \omega_{i,j}^{n+1} - \gamma_j \omega_{i,j+1}^{n+1} = f_j \quad (24)$$

бу ерда α, β, γ - коэффициентлар. (23) ва (24) тенгламалар чегаравий шартлар билан биргаликда $(n+1)$ қатлам учун аниқланаётган ω қийматига нисбатан тенгламалар системасини ташкил қилади. $(n+1)$ қатламдаги қийматни топиш учун аввал прогонка коэффициентлари тўғри прогонка орқали рекуррент муносабатда аниқланади:

$$\omega_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = A_i \omega_{i+1}^{n+\frac{1}{2}} + B_i, \quad (25)$$

бу ерда $A_i = \frac{\gamma_i}{\alpha_i A_{i-1} + \beta_i}$; $B_i = \frac{f_i - \alpha_i B_{i-1}}{\alpha_i A_{i-1} + \beta_i}$
 $i=1, 2, \dots, M-1$;

Прогонка коэффициентлари A_i ва B_i ни аниқлаб, чегаравий шартлардан фойдаланиб, $m = M-1, M-2, \dots, 2, 1$ учун $\omega_m^{n+0,5}$ нинг қийматини рекуррент муносабат орқали аниқланади:

$$\omega_{i,j}^{n+1} = A_j \omega_{j+1}^{n+1} + B_j, \quad (26)$$

бу ерда $A_j = -\frac{\gamma_j}{\alpha_j A_{j-1} - \beta_j}$; $B_j = -\frac{f_j - \alpha_j B_{j-1}}{\alpha_j A_{j-1} + \beta_j}$

Жараён қуйидаги аниқлик мезони қониқтирилмагунча давом этади:

$$\max |\omega_{i,j_n}^{n+1} - \omega_{i,j_n}| < \varepsilon \quad (27)$$

бу ерда $\varepsilon=0,01$.

Оқим функцияси тенгламасини ечиш учун суюқликнинг узлуксизлик тенгламасини стационар бўлмаган тенглама билан алмаштирамиз

$$\frac{\partial \psi}{\partial \sigma} = \Delta \psi - \omega, \quad (28)$$

бу ерда σ - итерация параметри.

Тенгламаларни ечиш учун ўзгарувчан йўналишлар прогонкаси усулини қуйидаги формула орқали қўлланади:

$$\psi_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = A_i \psi_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} + B_i \quad (29)$$

(23 ва 24) тенгламалар ва $A_0=0$ ва $B_0=u$ чегаравий шартларни ҳисобга олиб, оқим функцияси қийматлари ярим қатлам учун аниқланади. Сўнгра, $A_0=0$, $B_0=0$ га тенг бўлган бошланғич прогонка коэффициентлари ва (29) формулани ҳисобга олиб, тўла қатлам учун ҳисоблаш амалга оширилади. Жараён қуйидаги шарт бажарилгунча давом этади:

$$\max |\psi_{i,j}^{n+1} - \psi_{i,j}^n| < \varepsilon \quad (30)$$

Ҳар қайси нуқтада оқим функцияси қийматини билган ҳолда тезликнинг «u» ва «v» ташкил этувчиларини қуйидаги формулаларга асосан ҳисобланади:

$$u_{i,j} = \frac{\psi_{i,j+1} - \psi_{i,j-1}}{2l_j} ; \quad v_{i,j} = -\frac{\psi_{i+1,j} - \psi_{i-1,j}}{2h_j} \quad (31)$$

Оқимнинг ўртача тезлигини аниқлаш формуласи:

$$U_{i,j} = \sqrt{u_{i,j}^2 + v_{i,j}^2} \quad (32)$$

Олинган тенгламалар кўрилатаётган участкада тезлик майдони ва оқим планини ҳисоблаш имконини беради. Бўйлама тезлик эпюраларининг ҳисобланган ва экспериментал қийматларини таққослаш уларнинг қониқарли даражада яқинлигини кўрсатади. Икки фазали оқимнинг турбулент ҳаракати қонуниятини олиш учун ҳар бир фаза учун айрим тенгламалар қабул қилинади. Оқимда ажратилган ихтиёрий ҳажм учун ҳаракат миқдорининг вектор шаклда ёзилган дифференциал тенгламаси (тўғри бурчакли координаталар системасининг Ох ва Оу ўқларига проекцияси) қуйидагича шакллантирилади:

а) суюқ фаза учун:

$$\begin{aligned} F_{x_1} - \frac{f_1}{\rho_1} \cdot \frac{\partial P}{\partial x} + f_1 v_1 \Delta^2 u_{x_1} &= f_1 \left(\frac{\partial u_{x_1}}{\partial t} + u_{x_1} \frac{\partial u_{x_1}}{\partial x} + u_{y_1} \frac{\partial u_{x_1}}{\partial y} \right) - \frac{k}{\rho_1} (u_{x_1} - u_{x_2}) - \frac{L_1 u_{x_1}}{\rho_1} \\ F_{y_1} - \frac{f_1}{\rho_1} \cdot \frac{\partial P}{\partial y} + f_1 v_1 \Delta^2 u_{y_1} &= f_1 \left(\frac{\partial u_{y_1}}{\partial t} + u_{x_1} \frac{\partial u_{y_1}}{\partial x} + u_{y_1} \frac{\partial u_{y_1}}{\partial y} \right) - \frac{k}{\rho_1} (u_{y_1} - u_{y_2}) - \frac{L_1 u_{y_1}}{\rho_1} \end{aligned} \quad (33)$$

б) қаттиқ фаза учун:

$$\begin{aligned} F_{x_2} - \frac{f_2}{\rho_2} \cdot \frac{\partial P}{\partial x} + f_2 v_2 \Delta^2 u_{x_2} &= f_2 \left(\frac{\partial u_{x_2}}{\partial t} + u_{x_2} \frac{\partial u_{x_2}}{\partial x} + u_{y_2} \frac{\partial u_{x_2}}{\partial y} \right) - \frac{k}{\rho_2} (u_{x_1} - u_{x_2}) - \frac{L_2 u_{x_2}}{\rho_2} \\ F_{y_2} - \frac{f_2}{\rho_2} \cdot \frac{\partial P}{\partial y} + f_2 v_2 \Delta^2 u_{y_2} &= f_2 \left(\frac{\partial u_{y_2}}{\partial t} + u_{x_2} \frac{\partial u_{y_2}}{\partial x} + u_{y_2} \frac{\partial u_{y_2}}{\partial y} \right) - \frac{k}{\rho_2} (u_{y_1} - u_{y_2}) - \frac{L_2 u_{y_2}}{\rho_2} \end{aligned} \quad (34)$$

Бу ерда, F_x, F_y - масса кучлари, P - босим кучи, v – ёпишқоқлик коэффициенти, k - фазалар ўзаро таъсири коэффициенти, f_1 ва f_2 – суюқлик ва қаттиқ фазаларнинг оқимдаги ҳажмий концентрацияси, яъни, $f_1 + f_2 = 1$. Сиқилмайдиган суюқлик фазаси учун $\rho_i = \text{const}$. Ҳар бир тенглама учун кесишма дифференциаллаш амалга оширилади, тезлик орқали тасвирланган уюрма ва оқим функцияси қийматлари киритилади.

Уюрма тенгламалари: $\omega_1 = \frac{\partial u_{y_1}}{\partial x} - \frac{\partial u_{x_1}}{\partial y}$; $\omega_2 = \frac{\partial u_{y_2}}{\partial x} - \frac{\partial u_{x_2}}{\partial y}$;

Оқим функцияси: $u_{x_1} = \frac{\partial \psi_1}{\partial y}$; $u_{x_2} = \frac{\partial \psi_2}{\partial y}$; $u_{y_1} = -\frac{\partial \psi_1}{\partial x}$; $u_{y_2} = -\frac{\partial \psi_2}{\partial x}$.

Суюқ ва қаттиқ фазалардан иборат оқим ҳаракати тенгламалари кўриниши:

$$\frac{\partial \omega_1}{\partial t} + \alpha_{h_1} \left(\frac{\partial \psi_1}{\partial y} \cdot \frac{\partial \omega_1}{\partial x} - \frac{\partial \psi_1}{\partial x} \cdot \frac{\partial \omega_1}{\partial y} \right) = v_1 \nabla^2 \omega_1 + k_1 (\omega_2 - \omega_1) + L_1 \omega_1 \quad (35)$$

$$\frac{\partial \omega_2}{\partial t} + \alpha_{h_2} \left(\frac{\partial \psi_2}{\partial y} \cdot \frac{\partial \omega_2}{\partial x} - \frac{\partial \psi_2}{\partial x} \cdot \frac{\partial \omega_2}{\partial y} \right) = v_2 \nabla^2 \omega_2 + k_2 (\omega_1 - \omega_2) + L_2 \omega_2$$

Бу ерда, α_h – тезликнинг вертикалда тақсимланиши нотекислиги коэффиценти бўлиб, ушбу формула орқали аниқланади

$$\alpha_h = \frac{1}{h\vartheta_{i,j}} \int_{z_0}^H U_{i,j} dz \quad (36)$$

Ўзгариш диапазони $1,03 \div 1,10$.

Системани ёпиш учун қуйидаги кўринишли узлуксизлик тенгламаларини қўлланди:

